

А Ж Р И М

2022 йил январь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сардоба туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: З.Расулов,

Судья ёрдмачиси О.Абдиевнинг котиблигида, томонлардан Сардоба туман прокурорининг ёрдамчиси К.Хамидов, Сардоба туман ИИБ ПГ вакили [REDACTED], маҳкум [REDACTED] нинг иштирокида, маҳкум [REDACTED] га нисбатан Сардоба туман ИИБ бошлиғининг озодликни чеклаш жазосини бошқа турдаги жазога алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси ва ҳужжатларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум [REDACTED] ([REDACTED]), 1979 йил 21 мартда Сардоба туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилида эркин сўзлаша олади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, “Индорама” МЧЖда ишчи, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, муқаддам 1) Сирдарё туман судининг 1996 йил 22 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган, 1998 йил 27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 3 декабрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Фармонининг 1-моддаси “в” бандига асосан жазони ўташдан озод қилинган, 2) жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг 2002 йил 13 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми ва 226-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 1 йил 3 ойга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2003 йил 23 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 9 ой 5 кун жазо муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 3) жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2004 йил 16 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “а” банди билан 3 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2007 йил 31 июлдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 9 ой 4 кун жазо муддатидан илгари шартли озод қилинган, 4) жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2013 йил 7 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандига асосан тугатилган,

5) жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судининг 2018 йил 16 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2019 йил 17 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмай қолган 1 йил 10 ой 1 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан шартли озод қилинган, Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 77-уйда яшайди.

Сардоба туман ИИБ бошлиғи томонидан тақдимнома киритилган, тақдимномага кўра, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2019 йил 27 ноябрь кунги ҳукми билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, унга нисбатан чекловлар ўрнатилганлиги, 2021 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 23:09 ларда Сардоба туман ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нинг яшаш хонадони Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 19-уй, 12-хонадон холислар иштирокида текширилганида [REDACTED] яшаш хонадонидан йўқлиги, спиртли ичимлик ичгани аниқланганлиги, [REDACTED] га Сардоба туман ИИБ Пробация гуруҳи ходимлари томонидан ҳолат юзасидан “огоҳлантириш” интизомий жазоси қўлланилиб ва қайта такрорланмаслик учун тилхат олинганлигига қарамасдан [REDACTED] 2021 йил 4 декабрь куни соат тахминан 23:30 ларда Сардоба туман ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нинг яшаш хонадони Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 19-уй, 12-хонадон холислар иштирокида текширилганида яшаш хонадонидан маст ҳолатда чиқиб келиб, яшаш хонадони зинасида ҳар-хил уятли сўзлар билан сўкиниб, ИИБ ходимларининг қонуний талабини бажаришдан бош тортганлиги сабабли маҳкум [REDACTED] нинг мастлик ҳолатини аниқлаш мақсадида Сирдарё вилоят Норкология диспансерига олиб борилганида, унинг мастлик ҳолати аниқланганлигини, шу сабабли юқоридагиларни инобатга олиб тақдимномани қаноатлантириш сўралган.

Маҳкум [REDACTED] га нисбатан чиқарилган суд ҳукми Сардоба туман ИИБ ПГ томонидан 2019 йил 24 декабрь куни ижрога олиниб, маҳкумга жазони ўташ тартиб қоидалари тўлиқ таништирилган.

Суд мажлисида Сардоба туман ИИБ ПГ вакили [REDACTED] - ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] га нисбатан жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2019 йил 27 ноябрь кунги ҳукми билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, унга нисбатан чекловлар ўрнатилганлиги, 2021 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 23:09 ларда Сардоба туман ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нинг яшаш хонадони Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 19-уй, 12-хонадон холислар иштирокида текширилганида [REDACTED] яшаш хонадонидан йўқлиги, спиртли ичимлик ичгани аниқланганлиги, [REDACTED] га Сардоба туман ИИБ Пробация гуруҳи ходимлари томонидан ҳолат юзасидан “огоҳлантириш” интизомий жазоси

қўлланилиб ва қайта такрорланмаслик учун тилхат олинганлигига қарамасдан [REDACTED] 2021 йил 4 декабрь куни соат тахминан 23:30 ларда Сардоба туман ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нинг яшаш хонадони Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 19-уй, 12-хонадон холислар иштирокида текширилганида [REDACTED] яшаш хонадонидан маст ҳолатда чиқиб келиб, яшаш хонадони зинасида ҳар-хил уятли сўзлар билан сўкиниб, ИИБ ходимларининг қонуний талабини бажаришдан бош тортганлиги сабабли маҳкум [REDACTED] нинг мастлик ҳолатини аниқлаш мақсадида Сирдарё вилоят Норкология диспансерига олиб борилганида, унинг мастлик ҳолати аниқланганлигини, унга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар содир этилмагани ўтказилган хизмат текшируви бўйлан ҳам тасдиқлангани, юқоридагиларни инобатга олиб тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган маҳкум [REDACTED] - унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2019 йил 27 ноябрь кунги ҳукми билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибда 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, унга нисбатан чекловлар ўрнатилганлигини, жазони ўташ тартиб қоидалари билан таништирилганлигини, 2021 йил 25 сентябрь куни соат тахминан 20:30 ларда уйдан чиқиб, [REDACTED] МФЙ, Кўкча кўчаси, 25-уйнинг олдидаги ўриндиқда қўшнилари билан ўтирганлиги, кўчага чиқишдан олдин уйда бир шиша пиво ичиб чиққанлиги, қўшнилари билан гаплашиб ўтирганида [REDACTED] исмли йигит келиб юзига бир мушт урганлиги, шундан сўнг синглиси келиб ўзининг уйига олиб кетганлиги, синглисининг уйда бир шиша ароқ ичганлиги ва маст бўлиб синглисининг уйда ухлаб қолганлиги, шу куни соат 23:09 ларда Сардоба туман ИИБ ходимлари томонидан унинг яшаш хонадони, яъни Сардоба тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 19-уй, 12-хонадон холислар иштирокида келганида уйда бўлмаганлиги, бу ҳолат бўйича унга Сардоба туман ИИБ Пробаця гуруҳи ходимлари томонидан ҳолат юзасидан “огоҳлантириш” интизомий жазоси қўлланилиб ва қайта такрорланмаслик учун тилхат олинганлиги, бундан ташқари 2021 йил 4 декабрь куни соат тахминан 23:30 ларда уйда дам олиб ётганида ИИБ ходимлари келиб, тунги соат 21:00 дан кейин кўчага чиқмаслиги ва спиртли ичимлик истеъмол қилмаслиги кераклигини айтганлиги, бу ҳолатдан жаҳли чиқиб, нега ярим кечаси безовта қиласан деганлиги, ИИБ ходимлари уни текширганлик ҳақидаги далолатномага имзо қўйишини айтганида маст бўлганлиги сабабли ИИБ ходимларига уятли сўзлар билан сўкинганлиги, сўнг ИИБ ходимлари уни мастлик ҳолатини аниқлаш мақсадида Гулистон шаҳрига сўнг Сардоба туман Тиббиёт бирлашмасига олиб борганликлари, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 4 декабрь куни спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, спиртли ичимлик истеъмол қилиш мумкин эмаслигини билганлиги, ишни қонуний ҳал қилишни билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган Сардоба туман ИИБ профилактика инспектори ██████████ - ҳақиқатдан ҳам ██████████ ██████████ озодликни чеклаш жазосини ўтувчи шахс сифатида рўйхатда туришини билишлиги, Сардоба туман ИИБ ПГ вакили ██████████ билан бирга 2021 йил 4 декабрь куни соат тахминан 23:30 ларда ██████████ нинг яшаш хонадони Сардоба тумани, ██████████ МФЙ, ██████████ кўчаси, 19-уй, 12-хонадон холислар иштирокида текширилганида ██████████ яшаш хонадонидан маст ҳолатда чиқиб келиб, яшаш хонадони зинасида ҳар-хил уятли сўзлар билан сўкиниб, ИИБ ходимларининг қонуний талабини бажаришдан бош тортганлиги сабабли маҳкум ██████████ нинг мастлик ҳолатини аниқлаш мақсадида Сирдарё вилоят Норкология диспансерига олиб борилганида, унинг мастлик ҳолати аниқланганлиги, ██████████ га нисбатан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган Сардоба туман ИИБ профилактика инспектори ██████████ в, гувоҳ ██████████ нинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Суд иш материалларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчиси К.Хамидов ва Сардоба туман ИИБ ПГ вакилининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, шахсий иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосга кўра тақдимномани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида агар маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 44⁴-моддасида “Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайди. Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади” деб белгиланган.

Шу сабабли суд маҳкум ██████████ нинг ўталмай қолган 1 йил 5 ой 12 кун озодликни чеклаш жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиришни ва жазони Жиноят-ижроия Кодексининг 113-моддаси 1-қисмига асосан манзил колонияларда ўташни белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосланиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 539, 542-моддаларига асосан суд ажрим қилади,

А Ж Р И М:

Сардоба туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум [REDACTED] томонидан ўталмаган 1 (бир) йил 5 (беш) ой 12 (ўн икки кун) озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилсин.

Жазо манзил-колонияларида ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 12 январдан бошлаб ҳисоблансин.

Маҳкум [REDACTED] суд залидан қамоққа олинсин.

Ажрим ижро қилишлик учун Сардоба туман ИИБга ва 8-сонли тергов ҳибсхонасига юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун муддат ичида шу суд оркали Сирдарё вилоят судига протест ва шикоят келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

З.Расулов

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи

З.Расулов